

"Ахлуссунна вал-жамоа" кутубхонаси  
Мусулмон дўстим, душманингизни биласизми?

## ШАЙТОН

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Аллоҳга ҳамдлар, расулуллоҳ, унинг оиласи, саҳобалари ва уни дўст тутган барча кишиларга салавот ва саломлар бўлсин.

Сўнг ...

Шайтон ва инсон қиссаси Одам алайҳиссолату вассалом билан бошланди ва Қиёмат кунига қадар давом этади. Бу қисса - отамиз Одам алайҳис-солату вассалом билан бошланган, унинг вафотидан сўнг эса зурриётiga қарши давом этган кучли адоватдир. Аллоҳ ва унинг расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларни Шайтон ва унинг бизларга қарши адоватидан огоҳлантиридилар ҳамда унинг тузоқлари ва макрларига тушиб қолишдан кўрқитдилар. Аллоҳ таоло деди: **«Шайтон сизларни (агар инфоқ-эҳсон қилсангиз) камбағал бўлиб қолишингиздан кўрқитади ва фахш ишларга буюради. Оллоҳ сизларга ўз тарафидан мағфират ва фазлу карам (бойлик) ваъда қиласи. Оллоҳ (фазлу карами) кенг ва билгувчиdir.»** (Бақара: 268);

**«Эй мўминлар, тўла ҳолдаги исломга кирингиз! (Яъни, исломнинг баъзи ҳукмларига итоат қилиб, баъзиларига итоат қилмайдиган кимсалардан бўлмангиз)! Ва шайтоннинг изидан эргашманглар! Шубҳасиз, у сизларнинг очиқ душманингиздир.»** (Бақара: 208);

**«(Яҳудийларни мўминларга қаршилик қилишга гиж-гижлаётган мунофиқлар) худди шайтоннинг ўхшашидирлар. Эсланг, у инсонга «Коғир бўл», деган эди. Энди қачонки (инсон) коғир бўлгач, (шайтон унга) «Албатта мен сендан безорман. Зеро мен барча оламлар Роббиси бўлмиш Оллоҳдан қўрқаман», деди.»** (Ҳашр: 16)

Мусулмон дўстим, биз ушбу номада сизга Шайтоннинг умумий таърифини: унинг сифатлари, тузоқлари, ҳийалари ва инсонга қандай ғолиб бўлишини Аллоҳнинг Китоби ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидан иқтиbos қилиб, баён қилмоқчимиз. Токи, барчамиз Шайтондан сақланиш ва унга ғолиб бўлиш йўлини олайлик.

Аллоҳ таолодан, ушбу нома билан мусулмонларга, ўзларининг солиҳ аждодлари сахобалар, тобеинлар ва уларга Киёмат кунига қадар эргашган барча кимсаларнинг йўлига, Аллоҳнинг қуидаги сўзларига мувофиқ тарзда қайтишларида, манфаатли қилишини сўраймиз. Аллоҳ таоло деди: «(Эй уммати Мухаммад), одамлар учун чиқарилган миллатларнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро сиз яхши амалларга буюрасиз, ёмон амаллардан қайтарасиз ва Оллоҳга иймон келтирасиз.» (Оли Имрон: 110)

### **Шайтон ҳужумкор душмандир**

Шайтон ўзининг яралишидаги ёмонлиги, кибри ва инсонга бўлган адватидан келиб чиқсан шафқатсиз урушни элон қилди ва уруш учун Аллоҳ таолодан изн олди. Аллоҳ таоло, Ўзи билган ҳикмат учун, унга рухсат берди. Шайтон ўзининг ваъдаларини ижро этиб, Аллоҳнинг бандаларини йўлдан ура бошлади. Аллоҳ таоло деди: «(Иблис илтижо қилиб) деди: «Роббим, у ҳолда менга улар қайта тириладиган Кунгача (ўлмасдан яшаш учун) муҳлат бергин». 37-38. (Оллоҳ) деди: «Бас, сен маълум вактда (етиб келадиган) Кунгача (Киёматгача) муҳлат берилганлардансан». 39. (Иблис) айтди: «Парвардигорим, қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли албатта уларга (Одам болалари) Ердаги (барча гуноҳ ишларни) чиройли кўрсатиб қўюрман ва албатта уларнинг ҳаммаларини йўлдан оздирурман. (Хижр: 36 - 39)

### **Шайтон мутакаббирдир**

**Аллоҳ таоло деди: «(Биз) фаришталарга: "Одамга сажда қилинглар!" дедик. Улар сажда қилдилар. Фақат, Иблис (сажда қилишдан) бош тортди ва кибр қилди». (Бақара: 34)**

### **Шайтон камбағалликни ваъда қилади ва ҳаёсизликка буюради**

**Аллоҳ таоло деди: «Шайтон сизларни (агар инфоқ-эҳсон қилсангиз) камбағал бўлиб қолишингиздан қўрқитади ва фаҳш ишларга буюради». (Бақара: 268)**

### **Шайтон Аллоҳ ҳақида билмасдан гапириш ва баҳс қилишни қўзғайди**

**Аллоҳ таоло деди: «Одамлар орасида ўзи билмаган ҳолида Аллоҳ ҳақида мужодала қиладиган ва ҳар бир итоатсиз шайтонга эргашиб кетаверадиган кимсалар ҳам бордир». (Ҳаж: 3)**

### **Шайтон мўминлар ўртасида адоватни қўзғайди**

**Аллоҳ таоло деди: «Бандаларимга айтингки, улар (ўзаро сўзлашганларида) энг гўзал сўзларни сўзласинлар. Зоро, Шайтон уларнинг ўртасида бузғунчилик қилади. Дарҳақиқат, Шайтон инсоннинг душманидир». (Исро: 53)**

Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам: "Шайтон Араб яrim орол(и)да ўзига намозхонлар ибодат қилишларидан ноумид бўлди. Фақат, у улар ўртасида адоват қўзғайди, холос"- дедилар. (Имом Муслим ривояти)

### **Шайтон исроф қилувчи кимсалар билан биргадир**

**Аллоҳ таоло деди: «Чунки исроф қилувчилар Шайтонларнинг дўстлари бўлган кимсалардир». (Исро: 27)**

Инсон нима нарсада исрофга йўл қўймасин, албатта Шайтон унга шерик бўлади.

## **Шайтон нарсаларни ўз номидан бошқа номлар билан номлайди**

Аллоҳ таоло у ҳақида шундай деди: «**Сўнг Шайтон унга васваса қилиб: "Эй Одам, мен сенга абадият дарахтини ва битмас-туганмас мулку-давлатни кўрсатайми?"** деди». (Тоҳа: 120)

Шайтон Одам алайҳисс-саломнинг яқинлашиши таъқиқланган дарахтни "Абадият дарахти" деб номлади. Аслида эса у дарахтнинг номи бошқа эди.

## **Қўшиқ шайтоннинг Куръонидир**

Аллоҳ таоло деди: «**Улардан кучинг етган кимсани овозинг билан қўзғат**». (Исро: 64)

Шубҳасиз, Шайтоннинг товуши - қўшиқдир. Шайтоннинг қуроллари - чолғу асбоблари. Шайтон улар билан қанча-қанча одамларга хийла қилди. Аллоҳнинг ўзи бизга ёрдам берсин!

## **Шайтоннинг одам боласига душманлиги унинг туғилган кунидан бошланади**

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: "Туғилган ҳар бир одам боласини, туғилаётган пайтида Шайтон бир ушлайди. Бола Шайтоннинг ушлашидан чинқираб йиғлайди, бундан Марям ва унинг Ўғли саломат қолган, холос". (Муттафақун алайҳи)

## **Шайтон Аллоҳнинг яратган нарсаларини ўзгартишга буюради**

Аллоҳ таоло деди: " Албатта, мен уларга буйруқ бераман ва улар албатта, Аллоҳнинг яратган нарсаларини ўзгартадилар". (Нисо: 119)

## **Шайтон чап қўли билан эйди, чап қўли билан ичади, чап қўли билан олади ва чап қўли билан узатади**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: "Сизларнинг бирингиз ўнг қўли билан есин, ўнг қўли билан ичсин, ўнг қўли билан олсин ва ўнг қўли билан узатсин (берсин). Чунки, Шайтон чап қўли билан эйди, чап қўли билан ичади, чап қўли билан узатади (беради) ва чап қўли билан олади". (Абу Довуд ривояти, сахих ҳадис)

Шайтон намозларни жамоат билан ўқимайдиган кишиларга ҳоким бўлиб олади.

Расулуллоҳ солаллоҳу алауҳи ва саллам дедилар: "Саҳро ёки қишлоқда бўлган уч киши намозни ўрталарида тўқис адо этмас эканлар, Шайтон уларга ҳоким бўлиб олади. Бас, жамоатни лозим тутинглар! Чунки, бўри ҳам четда қўлган қўйни эйди". (Абу Довуд ривояти, сахих ҳадис)

Шайтон намоз ўқиётган кишининг ёнига келади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: "Шайтон сизлардан бирингиз намоз ўқиётган пайтда келиб, вассаса қиласди ва у қанча намоз ўқиганини билмай қолади. Қайси бирингиз шу ҳолатда қолса ўтирган ҳолатида, салом беришдан аввал, икки сажда қилсин ва салом берсин". (Абу Довуд ривояти, сахих ҳадис)

Шайтон намозхонларнинг намоздаги сафларида бўш қолган бўшлиқларга кириб олади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: "Сафларни текис қилинглар. Чунки, сизлар фаришталарнинг сафлари билан сафга тизиласизлар. Елкаларни бир-бирига теккизинглар, оралиқларни тўлдиринглар. Шайтон учун бўш ерни қўйманглар. сафга етишган кишига Аллоҳ етишади. Сафни узган кишини Аллоҳ азза ва жалла узади". (Абу Довуд ривояти, сахих ҳадис)

Шайтон ака-укаларнинг қалбларида бир-бирларига бўлган нафратни қўзғайди.

Юсуф алайҳиссолату вассаломга бўлган акаларнинг адовати каби. Аллоҳ таоло Юсуф алайҳиссолату вассаломнинг тилидан шундай деди: "Шайтон мен билан оғаларим ўртасида вассаса қилганидан сўнг...". (Юсуф: 10)

Шайтон тушунгизда сиз ёқтирган нарсаларни кўрсатади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: "Бирингиз ўзи севган тушни кўрса, Аллоҳга ҳамдлар айтсин ва бу тушни сўзлаб берсин. Агар бундан бошқа, ўзи ёқтирган тушни кўрса, бу туш Шайтондандир". (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари, сахих ҳадис)

Шайтон уйқудаги одамнинг бошига учта тугун тугиб қўяди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: "Шайтон сизлардан бирингизнинг бошига, ухлаган пайтида, учта тугун тугиб қўяди. Ҳар бир тугунга эса: "сенинг устингда узок кеча бор"- деб дам дам солади. У агар уйғониб Аллоҳни ёд қиласа, битта тугун ечилади. Таҳорат қиласа, икки тугун ечилади. Намоз ўқиса, барча тугунлар ечилади ва у фаол, қалби тоза ҳолатида тонг оттиради. Бўлмаса, ялқов ва қалби бузук ҳолатида тонг оттиради". (Имом Муслим ривояти)

Шайтон жамоатдан узок бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: "Сизлардан бирингиз жаннат кэнгликларини ҳоҳласа, жамоатни лозим тутсин. Чунки, Шайтон якка қолган киши билан биргадир ва икки кишидан узокдир". (Имом Термизий ривояти, сахих ҳадис)

у Хилватда ёлғиз қолган эркак ва аёлнинг учунчиси - Шайтондир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: "(Бир) эркак (маҳрами бўлмаган) аёл билан хилватда ёлғиз қолмасин. Чунки, уларнинг учунчиси Шайтондир". (Ибн Можжа ривояти, сахих ҳадис)

Сўнг ...

Иймонли дўстим, шуни унутманки, банда Шайтонга итоат этар ва Аллоҳ таолога шерик қиласа экан, Аллоҳ таоло Шайтонгаунинг устидан ҳукм юритиш ҳаққини беради. Шунинг учун ҳам, яхшилик топган киши Аллоҳга ҳамдлар

айтсин. Ёмонлик топган киши эса, ўзидан бошқани маломат қилмасин.

Аллоҳ таоло пайғамбаримиз, унинг оиласи ва сахобаларига салавот ва саломлар йўлласин